

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 94(575.1)

ШИХОВ ОТАБЕК ОМАНБОЕВИЧ
МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ (1991-2001 йй.)

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация иши Урганч давлат университети
“Тарих” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

тарих фанлари доктори, профессор
Дилором Бобожонова Бобожонова

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, профессор
Қамариддин Усмонович Усмонов

тарих фанлари номзоди, доцент
Самад Раҳматович Тўраев

Етакчи ташкилот

**Қорақалпоқ давлат
университети**

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг ____ куни соат ____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш бўйича К.067.01.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ.e-mail: kengash@nuu.uz

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2011 йил _____ ойининг ____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доц.**

А.А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги Ўзбекистон халқи тақдирида туб ўзгаришлар даври бўлди. Узоқ йиллар давом этган совет тузуми асоратларидан халос бўлиш ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш имконини берди.

Мустақилликнинг ўтган йигирма йили ичида амалга оширилган аҳамиятга молик ишлар туфайли мамлакат қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, улкан ютуқ ва натижаларга эришилгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос янги хўжалик тизими ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб, қандай суръатлар билан ривожланаётганини ҳар тарафлама кенг ёритиш, ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам "...иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуктаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиий"¹лигини, зеро, "мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва ҳолисона таҳлил қилиш муҳим"²лигини таъкидлади. Шу боис, Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳаққоний ечимини топа бошлади. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки, ўтиш даврида Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган Қуйи Амударё худуди ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳаққоний ўрганиш ҳам долзарб вазифалар сирасига киради. Бу давр, бир томондан, ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, партиявий раҳбарлик ва марказнинг йўналтирилган сиёсати, мустабид тузумнинг узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган асоратларини бартараф этиш, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг янги босқичида барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ислохотларни амалга оширишдан иборат муҳим вазифалар тўпланиб қолаётган давр билан ифодаланар эди.

Ушбу жараёни қиёсий ўрганиш ҳам мавзунинг долзарблик жиҳатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади"³. Шу боис, туганган ўрни ва салоҳиятига кўра республикада етакчи ўринлардан

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.3.

² Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011, 21 январь.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б.3-4.

бирини эгаллаб келаётган Қуйи Амударё ҳудудининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини яқин ўтмиш билан қиёсий таққослаган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”¹.

Мамлакат мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида асосий эътибор “марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди”². Бу борада 1991 йил 21 декабрдаги “Дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 1996 йил 3 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ва 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолати тўғрисида”ги қонун³ доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида қайта ташкил қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги қатор ишлар катта аҳамиятга эга. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистон ҳукуматининг мустақиллик йиллари мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди⁴.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт сари дадил қадам ташлади. Унда Қуйи Амударё ҳудуди, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис, Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар марказида жойлашган мазкур ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ҳолатини тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилиб, унинг тажрибасидан хулоса чиқариш, уни илмий нуқтаи назардан туриб ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бинобарин, бугунги глобаллашув жараёнида мамлакат мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш масаласини тадқиқ этиш, хусусан, Қуйи Амударё ҳудуди ижтимоий-иқтисодий масалаларига бағишланган махсус тадқиқот иши яратилмаганлиги ҳам мавзунинг долзарблик жиҳатини яна бир қарра тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган – 1991 йилдан 2001 йилгача бутун республикада бўлганидек, Қуйи Амударё ҳудудида ҳам чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, кенг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010, 12 ноябрь.– Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.47.

³ “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолати тўғрисида”ги қонун. 2000 йил, 25 май. <http://www.lex.uz>

⁴ “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

камровли ислохотлар амалга оширилди. Бу йиллар ҳудуд аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам туб бурилишлар даври бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил Ўзбекистон тарих-шунослигида вилоятлар тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Жумладан, Қуйи Амударё ҳудудининг мустақиллик даври тарихи алоҳида, яхлит тарзда тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётини турли соҳа олимлари маълум даражада ўрганиб, мавзуга қисман тўхталиб ўтганлар. Шу боис, Қуйи Амударё ҳудудининг мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш муҳим илмий аҳамиятга молик масала ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида кўпгина олимлар учун Қуйи Амударё ҳудуди, жумладан, Орол фожиаси асосий мавзуга айланди. Бу даврда мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол, экологик муаммоларни ўрганишга доир адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Совет ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар.
2. Мустақиллик йилларида нашр этилган адабиёт ва олиб борилган тадқиқотлар.
3. Мавзуга оид хорижлик муаллифлар асарлари.

Биринчи гуруҳга мансуб аксарият адабиётларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фақат ижобий томонлари акс этган бўлиб, қўйилган муаммо коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан ёритилган эди, шу билан бир қаторда мазкур адабиётлар воқеликнинг тарихий аспекти ёритилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Мазкур давр олимлари кўплаб ҳужжатли манбаларни илмий муомалага киритиб, қисман бир тизимга солишга эришганлар¹. Муаллифлар Орол фожиаси ҳақида маҳаллий матбуот материалларида ўзларининг ҳолисона муносабатларини билдирганлар². XX аср 80-йиллари охирига келгандагина совет тадқиқотларида Орол фожеаси ҳақида ёзила бошланди.

Совет даврининг сўнгги йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик вазият И.Муллажонов, О.Ата-Мирзаев, Б.Гольдфарб, А.Солиев, Р.Убайдуллаева, Л.Максакова, Р.Аминова, Ф.Камилова асарларида қисман ёритилган. Уларда мустақил фикрлаш, совет давлатидаги “ягона иқтисодий маконнинг” Ўзбекистон ҳаётидаги салбий оқибатларини кўрсатиб бериш руҳи

¹ Хашимова И. Диалектика соотношения глобального и зонального в экологии. – Ташкент: Фан, 1986. – 123 с.; Хашимова М., Атаджанов И. Человек, природа и космос. – Ташкент: Фан, 1988. – 68 с.; Карабаев К. Как сохранить родную природу. – Ташкент: Фан, 1988. – 66 с.; Сайдаминов С. Основы охраны окружающей среды. – Ташкент: Укитувчи, 1989. – 304 с.; Алиев М. Экологическое воспитание и экологическая культура. – Ташкент: Медицина, 1989. – 151 с.; Зиямухамедов Б. Экология: история, теория и современность. – Ташкент: Мехнат, 1990. – 79 с.; Глазовский Н.Ф. Аральский кризис, причины возникновения и пути выхода. – М.:Наука, 1990. – 46 с.; Гаев А., Самарина В. Наши следы в природе. – М.:Недра, 1991. – 23 с.; Алимов Т., Рафиқов А. Экологик хатолик сабоқлари. – Тошкент: Мехнат, 1991. – 53 б.

² Залетаев В., Аметов М. Почему отступают леса? // Советская Каракалпакия. 1988. 20 мая; Аметов М. Пустыня и лес: кто одолеет? // Вести Каракалпакстана. 1995. 17 сентября; Курбанов Б. Леса – народное достояние, но они продолжают гореть // Вести Каракалпакстана. 1995. 5 декабря.

сезилади¹.

Э.Ахмедов, Н.Файзиев, Г.Асонов ва М.Қорахоновларнинг асарларида² янги шаҳарлар сони кўпайишига эътибор қаратилиб, масаланинг салбий томони, ишсизлик, ижтимоий тақчилликлар тўлиқ равишда очиб берилмаган. Жумладан, М.Қорахонов қўшни республикалар демографик муаммоларини тадқиқ этган. Мазкур асарлар демография масалаларига оид бой маълумоти билан ажралиб туради.

Академик С.Камолов Оролбўйидаги экологик вазиятнинг оғирлашиб кетиши, ҳудуддаги иқтисодий танглик, шунингдек, минтақалар ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, сиёсий зўравонлик натижасида вазиятнинг кескинлашганлиги билан боғлиқ масалаларни ўз асарларида батафсил ёритиб ўтган³. Уларда Қуйи Амударё ҳудуди ижтимоий-экологик муҳитининг муҳим масалалари ўзига хос услубда, қисман коммунистик ғоя таъсирида ёзилган.

Иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлар мустақиллик йилларида чоп этилган бўлиб, уларда Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият, унинг ижтимоий ҳаётга таъсири ёритилган. Жумладан, Т.Ешанов, Ю.Шодиметов, П.Шермухаммедов, М.Аметов, С.Камолов, Р.Нуримбетов, К.Юсупбаев, Х.Одилқориев ва Б.Очиловларнинг Орол муаммоси бўйича қатор чиқишлари ва мулоҳазалари мавжуд мавзунини ёритишга амалий ёрдам берди. Уларда айниқса, Ўзбекистон Республикаси, жумладан, Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва экологик вазият кенг ёритилган⁴. Ю.Шодиметовнинг асарларида Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалалар акс эттирилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоялаш ва миграция масалаларини ўрганиш-

¹ Мулладжанов И. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 141 б.; Ата-Мирзаев О., Гольдфарб Б. Перспективы естественного воспроизводства населения Средней Азии // Наше будущее глазами демографа. Сер. “Народонаселение”. – М.: Статистика, 1979; Солиев А. Миграционные процессы в Узбекистане как средство перераспределения трудовых ресурсов. // Особенности миграционного поведения в районах страны. – Москва: ИСИ АН, 1988. – 25 с.; Убайдуллаева Р. Социально-демографическое развитие трудообеспеченных районов СССР (сб. стат.). – М.: Наука, 1989. – 206 с.; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в УзССР. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – 175 с.; Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социалистик ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 48 б.; Камилова Ф. Демографический потенциал Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – 143 с.

² Ахмедов Э., Файзиев Н. Ўзбекистон аҳолиси. Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 215 б.; Асонов Г. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. – Тошкент: Фан, 1970. – 153 б.; Караханов М. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Ташкент: Фан, 1983. – 240 с.

³ Камалов С. Современное состояние, перспективы, изучение и публикации памятников истории и культуры Каракалпакской АССР // Проблемы Аральского моря и дельты Амударьи. Ташкент: Фан, 1984. – С.3-7.

Унинг ўзи. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпакстана // сб. Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. Нукус, 1991.

⁴ Ешанов Т. Исчезнет море, исчезнет здоровье // Правда Востока, 1991, 24 мая; Шадиметов Ю. Региональные проблемы социальной экологии. – Ташкент: Узбекистан, 1992. – 76с.; Шермухаммедов П. Орол фожиаси – дунё муаммоси // Халқ сўзи, 1993, 4 август; Аметов М. Пустыня и лес: кто одалеет? // Вести Каракалпакстана. 1995. 17 сентября; Камалов С. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа. // Вестник ККО АНРУз. – Нукус, 1999. – № 6. – С.3-7; Нуримбетов Р. Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий ҳимоя талаблари // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б.57; Юсупбаев К. Қорақалпоғистонда фермер хўжаликлари ривожининг асосий йўналишлари. // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б.2-4; Одилқориев Х., Очилов Б. Республика Узбекистан как основной субъект международно-правового сотрудничества по охране водных ресурсов Аральского моря и Приаралья // Международные отношения. – Тошкент, 2001. – № 2. – С.97.

га Л.Максакова, Д.Бобожонова, Г.Сиддиқова, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Э.Аҳмедов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар¹. Жумладан, Д.Бобожонованинг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар” номли асарида миллатлараро муносабатларда демографик жараёнлар эволюцияси кўрсатилиб, унинг ижтимоий-демографик сабаблари таҳлил қилинган².

Бу даврда тарихчилар Ўзбекистон аҳолиси таркиби, туғилиш даражаси, аҳоли миграцияси каби масалаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилганлар³. Бирок, ўрганилаётган тадқиқот мавзуси бўйича алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмай, балки масаланинг айрим жиҳатларига доир фикр-мулоҳазалар келтирилган, холос. Жумладан, А.Ҳазратқулов, Ш.Абдуллаев, Д.Бобожонова, Я.Абдуллаева, Х.Юнусоваларнинг докторлик⁴ ва К.Расулов, А.Бердимуратова, Г.Ходжаева, С.Давлетов, Н.Бабаджанова, Б.Раҳимов ва Ё.Розимоваларнинг номзодлик⁵ диссертацияларини мисол

¹ Максакова Л. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходный период к рынку. – Ташкент, 1995. – 42 с.; Ўша муаллиф. Миграция населения: проблемы регулирования. – Ташкент: Эльдинур, 2001. – 185 б.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент: Университет, 1997. – 183 б.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: изд-во им. Абу Али ибн Сино, 1998. – 160 с.; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Ибн Сино номли нашриёт, 2002. – 224 б.

² Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.

³ Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иқтисодий омиллари. – Тошкент: Фан, 1994. – 24 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг ижтимоий жиҳатлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995. – №10-12; Ўша муаллиф. Аҳоли саломатлиги ва экологик масалалар. – Тошкент: Фан, 1996. – 24 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон демографияси. // Фан ва турмуш, 1996. – № 3; Сиддиқова Г. Давлат мустақиллиги шароитида миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2000. – № 6; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Ташкент: Узбекистан, 2004. – 179 с.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.; Ўша муаллиф. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 2010. – 152 с.; Юсупов Р. Ўзбекистонда демография фанининг ривожини // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. – № 4.

⁴ Ҳазратқулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика. Опыт. Перспективы. (1971-1990 гг.). Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 357 с.; Абдуллаев Ш. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 340 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80 йилларнинг ўрталари). Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 294 б.; Абдуллаева Я. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX вв. (социально-политический аспект): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 46 с.; Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX асрнинг 80-йиллари мисолида). Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 296 б.

⁵ Расулов К. Обеспечение межнационального согласия и мира в Узбекистане во второй половине 80-х начале 90-х годов. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Андижан. 1993. – 29 с.; Бердимуратова А. Проблемы экологического кризиса в Приаралье (социально-политический аспект): Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1993. – 22с.; Ходжаева Г. Қорақалпоғистон Республикасида вужудга келган демографик вазиятнинг асосий хусусиятлари. Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 21 б.; Давлетов С. XX асрнинг сўнгги чорагида Қуйи Амударё худудида ижтимоий-экологик вазият ва демографик жараёнлар. Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.; Бабаджанова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941-1990 йй.). Тарих. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 30 б.; Раҳимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2005 йй.): Тарих. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 2008. – 199 б.; Розимова Ё. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида. 1991-2007 йй.). Тарих. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.

сифатида келтириш мумкин. Мазкур диссертациялар XX асрнинг охири чораги давомида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар ҳақидаги тарихий воқеликни янада кенгрок таҳлил этиш имконини беради. Айниқса, ушбу тадқиқотлардаги кўплаб фактик маълумотлар катта аҳамият касб этади. Юқорида номи қайд қилинган олимлар тадқиқотларининг илмий қиммати Ўзбекистондаги демографик жараёнлар, миграцион вазият ва аҳоли ҳаракати билан боғлиқ масалаларнинг атрофлича ёритилганлигида бўлиб, бироқ ушбу тадқиқотларда айнан бу даврда Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол мавзуси ўрганилмаган. Шундай бўлса-да, тадқиқотларда келтирилган фактик маълумотлар мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни қиёсий ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва иқтисодиётда бозор муносабатлари шакллана бориши натижасида Қуйи Амударё минтақаси аҳолисининг ижтимоий-экологик муаммолари ҳам илмий-тадқиқот доирасига кириб борди. Жумладан, З.Абдалова, Г.Ходжаева, Н.Айимбетов, З.Есназарова ва М.Ҳамроев каби тарихчи, иқтисодчи, географ олимлар бир қатор тадқиқот ишларини олиб бордилар¹. Мазкур тадқиқотларда Қуйи Амударё худуди шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, вужудга келган демографик вазиятнинг ўзига хослиги, аҳолининг демографик тарихи, ижтимоий-экологик вазият, аҳоли саломатлиги ҳамда табиий ҳаракатнинг асосий омиллари ўрганилган.

Ўзбекистон тарихшунослигида истиқлолнинг дастлабки йиллари Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол мавзуси яхлит тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган ҳамда мазкур мавзуда илмий тадқиқот иши яратилмаган. Шу боисдан ҳам, мавзунини тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари тарихини умумий тарзда ўрганишга бўлган дастлабки уринишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Янги тарих марказида “Ўзбекистоннинг янги тарихи” рукни остида эълон қилинган ва Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини қамраб олган “Мустақил Ўзбекистон тарихи” номли 3-китоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида тайёрланган “Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг

¹ Абдалова З. Социально-экономические условия развития городских поселений Нижнеамударьинского района: Дисс. ... канд. экон. и социал. геог. наук. – Ташкент, 1995. – 156с; Ходжаева Г. Қорақалпоғистон Республикасида вужудга келган демографик вазиятнинг асосий хусусиятлари: Тарих. фан. номз. дисс.... автореф. – Тошкент, 1998.–21б; Айимбетов Н. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. докт. дисс. ... автореф. –Тошкент, 2000. – 38 б; Утепова Г. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойларнинг демографик жойланиши ва меҳнат ресурслари муаммолари: Ижт. геог.фан.номз. дисс. ... – Тошкент, 2002. – 178 б; Есназарова Б. История города Нукуса периода независимости (1991-2005 гг): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Нукус, 2009. – 30 с.; Ҳамроев М. Хоразм вилояти ижтимоий экологияси ва аҳоли саломатлигининг географик хусусиятлари. Геог. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2009.–24 б.

ғоявий асослари” монографияси яратилди¹. Ушбу китобларда тадқиқот мавзуси республика ҳаётининг узвий бўлаги сифатида баён этилган.

Мазкур жараёнларни таҳлил этган хорижий муаллифлар асарлари туркуми **учинчи гуруҳга** киради. Жумладан, М.Олкотт, С.Логан, Г.Молотч, Ху Сунг Му, С.Сассен, Дж.Стефан, З.Бжезинский, Е.Нади, А.Аман каби олимлар ўз тадқиқотларида маъмурий-бўйруқбозлик тизимига асосланган совет тузуми тарихи, айниқса, унинг сўнгги даврининг у ёки бу жиҳатларини ёритганлар². Уларда ижтимоий-иқтисодий, жумладан, демография, миграция, урбанизация жараёнлари ҳам таҳлил этилган. Бу гуруҳ олимлари ўз тадқиқотларида айнан Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил этмасалар-да, лекин уларда умумий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар баён этилади. Шунингдек, XX асрнинг охирига келиб, экологик ҳалокат масаласининг глобаллашиб бориши боис, кўпгина хорижий олимлар ўз асарларида бу муаммонинг турли жиҳатларини ёритиб бердилар. Жумладан, Бисуас, Г.Сантени, П.Х.Люкаслар жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини, шунингдек, экологик муаммонинг ижтимоий оқибатларини таҳлил этганлар³.

А.Мэрли “Ўрта Осиёда советлар сиёсатининг ривожланиши” деб номланган мақоласида Ўрта Осиё минтақасини “СССРнинг асосий иқтисодий районларидан бири”, деб таърифлайди. Муаллиф, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни, иқтисодий имкониятларни таҳлил қилар экан, унинг бошқа минтақалардан фарқини кўрсатиб беради. Шунингдек, аҳоли бандлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида бошқа минтақалардан орқада эканлигини ҳам кўрсатиб ўтади⁴. Бундай қарашлар Ян Делленбрант, Г.Глисонларнинг мақолаларида ҳам учрайди⁵.

Нуфузли халқаро ташкилотларнинг экспертлари, таниқли олимларнинг тадқиқотлари натижаси, Қуйи Амударё худуди, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида мустақилликнинг дастлабки ўн йили давридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва экологик вазиятни тўғри баҳолашда

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб /Тузувчилар: Н. Жўраев, Т.Файзуллаев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 560 б.; Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 192 б.

² Olcott M. B. Yu. Andropov and the “National question” // Soviet Studies, University of Glasgow, 1985. V. XXXV11, №1. P.13-107; Logan S. R., Molotch H. L. Urban Forms: The Political Economy of Place. Berkeley, 1987. p.159; Kho Song Moo. Koreans in Central Asia. Helsinki, 1987. —P.29-30; Kho Song Moo. Koreans in the Soviet Union // Korea a World Affairs. Seoul, 1990. Vol. 14. No 1; Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo —Princeton: Princeton University Press, 1991. – 214 p; Stephan J. The Russian Far East. A. History. Stanford. 1994; Бжежинский Збигнев. Великая шахматная доска. – Москва: Международные отношения. 2000; Nadi E. Ethnicity and Islam in Central Asia. // Central Asian survey. – Abingdon, 1993. Vol.№2; Alikhan Aman. Population migration in Uzbekistan (1989-1998). – Tashkent, 1999.

³ Biswas, Asit K... Environmental model ing for developing countries. V.25. Tucooly Publishing, New York, 1990.; Santeny. Vers une fiscalite de L’environnement // Communiterie. -№ 56. 1991-1992., e.t.c.; Lucas P.H. Landshapes: a guide for policy – mavers and planners. – Chapman and Hall, London, Angland. 1992.

⁴ Maruley A. Soviet development policy in Central Asia // Soviet interests in the Third World.- L., 1985.P. 299-318.

⁵ Jan Ake Dellenbrant. Regional policy and regional development in Soviet Central Asia // Soviet Central Asia: Continuity and change. Paper from the conference at Oksbol, Denmark, Febr. 16-17, 1984; Ewa A. Chylinaki (ed.). Estjerg, Denmark, 1984. – P. 119-134. Gleason G. Educating for underdevelopment: The Soviet vocational education System and its Central Asian Critics // Central Asian Survey, 1985. Vol.4. – № 2. – P. 59-81.

ёрдам берди. Келтирилган адабиётлар илмий ишни ёритишда назарий манба бўлиб хизмат қилди. Мазкур адабиётлар ва тадқиқотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий худуди ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлган туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳамда мулкчиликнинг шаклланишини кенг ёритиб берувчи махсус илмий тадқиқот иши яратилмаган. Шу боисдан ҳам, танланган мавзу ўрганилиши долзарб масалалардан эканлиги билан ажралиб туради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, қўйилган муаммонинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда, тадқиқотнинг мақсади манбаларни ҳар томонлама пухта ва холис ёритиш йўли билан мустақилликнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш, шунингдек, мавжуд муаммоларни ўрганишдан иборат. Бу мақсадни амалга оширишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- совет ҳукмронлигининг охириги йилларида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил этиш;

- мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли билан боғлиқ ҳолда Қуйи Амударё минтақасида олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг ижро этилиши, ҳудудда бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

- шимоли-ғарбий минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган янгиланиш, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ўзига хослиги, фермер хўжаликларининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида мулкдорлар синфининг шаклланиши, турли мулкчилик шакллариининг ривожланишини ўрганиш ва улар фаолиятини ёритиш;

- ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар ва йўл қўйилган камчиликларни қиёсий ўрганиш;

- бозор иқтисодига ўтиш жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни таҳлил этиш;

- мустақиллик йилларида республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ислоҳотлар моҳиятини кўрсатиш, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислоҳотларга холисона баҳо бериш;

- ҳудуддаги экологик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини ўрганиш, экологик маданиятни шакллантириш, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги муаммоларни ўрганиш;

- жамият ривожланиб боришининг устувор шarti бўлган ижтимоий-

экологик муҳит ва демографик жараёнларни яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқотда фойдаланилган манбаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ манбаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишланган асарлари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалаларига бағишлаб, Олий Мажлиснинг ва Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иқтисодий ислохотларга доир қабул қилган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тадқиқотнинг бирламчи манбавий асосини ташкил этади. Шунингдек, ушбу гуруҳ тадқиқот манбаларини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотлар асосида хусусий тадбиркорликни амалга ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини киритиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар ташкил этади. Давлат ва жорий архив фондларидан олинган ҳужжатли материаллар асосий манба ҳисобланади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА)нинг Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги (М-7), Ўзбекистон пахта маҳсулотлари ва хом ашёсини қайта ишлаш Давлат-Акциядорлик Ассоциацияси (М-8), Ўзбекистон молия вазирлиги (М-15), Ўзбекистон мевачилик ва виночилик Давлат-кооператив Концерни (М-25), Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги (М-44), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети (Ф.837), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси (Ф.1619), Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлиги (Ф.96), Ўзбекистон ССР Меҳнат бўйича давлат кўмитаси (Ф.2765) фондлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ҚҚР МДА), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Архиви, Хоразм вилояти ҳокимияти архиви (ХВҲА) ва Хоразм вилояти Давлат архиви (ХВДА) ҳужжатлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти касб-хунар коллежлари бошқармаларининг жорий архив ҳужжатлари бор.

Иккинчи гуруҳ манбаларини расмий ҳисобот ва статистик маълумотлар ташкил этади. Улардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодстат Давлат статистика департаменти, аҳолини рўйхатга олиш материаллари, жорий архивлар ҳужжатлари, расмий нашрлардан олинган маълумотлар, вазирликлар, кўмиталарнинг юқори ташкилотлар билан ёзишмалари, маълумотнома ва ҳисоботлари тадқиқотнинг илмий қиммати ошишига ҳисса қўшди.

Учинчи гуруҳ манбаларига киритилган даврий матбуот материаллари мавзунини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйлаб жамланган оғзаки

материаллар ҳам манба сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудида 1991-2001 йилларда кечган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар, амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Тадқиқот предмети. 1991-2001 йилларда Қуйи Амударё ҳудудида амалга оширилган туб ўзгаришлар, иқтисодий-ижтимоий, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилиш тадқиқот предмети қилиб олинди.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Мавзуни ёритиш жараёнида тарихий ёндошув ва қиёсий таҳлил, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат тарихини манбаларга таянган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш хусусидаги кўрсатмалари, тарих фанини ривожлантириш борасидаги қарорлари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил этади. Тадқиқотнинг услубий асосини янгича тарихий тафаккур, илмий билишнинг диалектик усули, узвийлик, тизимлилик ва ривожланиш тамойиллари ташкил этади. Унда муаммоли-хронологик, қиёсий-таҳлилий методлардан фойдаланилди. Ишда ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа омиллар мажмуини тарихийлик, холислик, илмийлик, мантиқий кетма-кетлик тамойиллари асосида кўриб чиқишга асосий эътибор қаратилиб, мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий мафкура концепциясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– биринчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини холисона ёритиш бўйича маълум ишлар эълон қилинган бўлса-да, айнан бу даврда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли билан боғлиқ ҳолда Қуйи Амударё минтақасида олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган;

– иккинчидан, барқарор бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янгилинишлар, саноат ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ўзига хослиги, тадбиркорлик, фермер хўжаликлари ва мулкдорлар синфи шаклланишининг самарасини илмий асослаш;

– учинчидан, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислоҳотларга холисона баҳо бериш, аҳоли бандлиги масаласини ҳал қилишга доир тадбирларни таҳлил этиш, ҳудуддаги экологик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини ўрганиш, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилганини кўрсатиб бериш.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда кўплаб архив материаллари, тарихий адабиётлар, даврий нашрлар, статистик маълумотлар умумлаштирилган ва таҳлил этилган ҳолда қуйидаги илмий янгиликлар кўрсатилиб берилди:

– Ўзбекистон тарихида илк бор Қуйи Амударё ҳудудининг мустақиллик-

нинг дастлабки ўн йилидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, совет тузумидан қолган оғир вазият аниқ материаллар асосида янгича нуқтаи назар билан қиёсий ўрганилди ва таҳлил этилди;

– мамлакат шимолий қисми ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган янгиликларни, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ўзига хослиги, фермер хўжалиқларининг шаклланиш жараёни, турли мулкчилик шакллари ривожланиши ўрганилди ва ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар ва мавжуд камчиликлар кўрсатилди;

– бозор иқтисодига ўтиш жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар таҳлил этилди;

– аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ислохотлар моҳияти кўрсатилиб, аҳолининг муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислохотларга ҳолисона баҳо берилди ва ҳудуддаги экологик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири, экологик маданиятни шакллантириш, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги муаммолар ўрганилди;

– жамият ривожланиб боришининг устувор шарти бўлган ижтимоий-экологик муҳит ва демографик жараёнларни яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда бир тизимга солинган ҳужжатли материаллар, назарий умумлаштирилган илмий хулосалар мустақиллик даврининг умумий тарихини талқин этиш ва мамлакатнинг Қуйи Амударё минтақаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибасига бағишланган жараёнларни ва минтақанинг ўзига хослигини ёритишга ёрдам беради. Тадқиқот материалларидан Ўзбекистон тарихи фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Урганч давлат университетининг тарих факультети талабаларига Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихига оид махсус курсни ўқитишда, Ўзбекистон тарихи фани бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда фойдаланилган.

Ишнинг апробацияси. Диссертация иши Урганч давлат университети тарих факультети “Тарих” кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида ва мазкур университет ҳузуридаги К.067.01.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 10 та иш эълон қилинган. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та тезис ва 5 та илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб,

хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 168 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, даврий чегараси, тадқиқот усуллари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, манбавий асослари ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудида иқтисодий ривожланиш одимлари”** деб номланади. Ушбу боб мустақиллик йилларида Қуйи Амударё ҳудудининг иқтисодий ҳаётидаги жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, фермер хўжалиқларининг шаклланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, саноат ишлаб чиқаришида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар масалаларига бағишланган.

Совет даври бошқарув тизимида маъмурий-буйруқбозлик сиёсати усули устувор бўлиб, бу ўз навбатида бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқарган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу вазиятга баҳо бериб: “...собик тузум даврида республикамиз иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собик иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди”¹, - деб таъкидлайди.

Ўзбекистон 1991 йили мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чикди”². Дарҳақиқат, “ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканиннг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл зарур”³ лиги аён бўлди.

Маълумки, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланишида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти бор. Жумладан, Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисми ҳисобланган Қуйи Амударё ҳудуди таркибига кирувчи 2 та маъмурий-ҳудудий бўлинма яъни, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010, 12 ноябрь.– Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.5.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 103.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.276-277.

вилоятида ҳам ана шундай ўзига хослик инобатга олинган. Мамлакат иқтисодий тараққиётида ҳар иккаласининг ҳам муносиб ўрни бўлиб, республика худудининг 38,5 фоизини ташкил этгани ҳолда, бу ерда мамлакатнинг 11,4 фоиз аҳолиси истиқомат қилади¹.

Қорақалпоғистон – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги республика бўлиб, Орол денгизининг жанубий қисмида жойлашган. Пойтахти - Нукус шаҳри. Маъмурий-худудий тузилиши 14 та туман ҳамда улар таркибидаги 12 та шаҳар, 15 шаҳарча, 124 фуқаролар йиғини, элат ва қишлоқлардан иборат². Шаҳарларни тараққий эттириш мақсадида мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида янги темир йўл ва автомобиль йўллар, жумладан, Учқудуқ-Тўрткўл-Султон Увайстоғ темир йўл тармоқлари қурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди³. Темир йўли бунёд этилиши жараёнида 40 га яқин катта-кичик кўприклар қурилиб, “Нукус-Қўнғирот-Бейнау” автомобиль йўли ишга тушди. Бу эса, Қўнғирот сода заводининг фойдаланишга топширилиши ва Элобод шаҳарчаси барпо этилишига, Устюртда бунёд этилаётган газ-кимё мажмуаси, Султон Увайстоғ тизмасида Тебинбулоқ темир конини ишга туширишга олиб келди⁴.

Хоразм вилояти ҳам Қуйи Амударё минтақасида жойлашган шимолий воҳадир. Аҳолисининг 21,9 фоизи шаҳарда, 78,1 фоизи қишлоқда яшайди⁵. Ер майдони Ўзбекистон худудининг 1,4 фоизини эгаллайди⁶. Воҳанинг маркази – Урганч шаҳри бўлиб, маъмурий-худудий тузилиши 10 та туман ҳамда улар таркибидаги 3 шаҳар, 7 та шаҳарча, 101 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 612 та аҳоли пунктидан иборат⁷.

Диссертацияда Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр – индустриал йўналишга эга эканлиги, республика худудий меҳнат тақсимида Хоразм вилояти енгил ва озиқ-овқат саноатида, қишлоқ хўжалигида эса пахта ва шоли етиштиришга ихтисослашганлиги таъкидланган. Урганчда Хитой технологияси ёрдамида “Хоразм ипаги” тўқимачилик корхонаси, Боғотда Буюк Британиянинг асбоб ускуналари билан жиҳозланган тиббий пахта ишлаб чиқариш фабрикаси, Россиянинг Камашин фабрикаси билан ҳамкорликда Хонқада ип калава ва ип газлама ишлаб чиқарувчи корхона, Гурланда Туркиянинг “Язекс” фирмаси билан ҳамкорликда “Гурлантекстиль” каби корхоналар қурилган⁸. Хива шаҳрида пахта тозалаш, ёғ-мой, ғишт заводлари, гилам тўқиш ва шу каби корхоналар бунёд этилди⁹.

¹ Солиев А. Муаммоли минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик жиҳатлари // Қуйи Амударё региони ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг географик ечимлари. – Урганч: УрДУ, 2010. – Б.5.

² Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – Б.15.

³ Мирзо Ф., Ортиқбоев А. Президентнинг Орол бўйига сафари // Тошкент окшоми, 2007, 18 май.

⁴ Аннакиличева Г. Истиклол берган имкон // Халқ сўзи, 2007, 11 сентябрь.

⁵ Хоразм вилояти ҳокимияти жорий архиви маълумотлари, 2010.

⁶ Хоразм вилояти статистика бошқармаси жорий архиви. Хоразм вилояти паспорти. – Урганч, 2001. – Б.1.

⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. – Т.9. – Б.471; Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон. Қисқача маълумотнома. Қомуслар бош таҳририяти, 1995. – Б.103.

⁸ Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б.160.

⁹ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – Б.151.

Мустақиллик йилларида иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам мулк эгалари ўзгариб, янги истиқболли хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди. 1991 йил 29 ноябрда фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва республика ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон¹ муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда, Қуйи Амударё ҳудудининг чегараланган сув таъминотига эга эканлиги, агросаноат эҳтиёжлари учун ёқилғи ресурслари камлиги, аҳоли бандлик даражасининг ҳудудий жиҳатдан нотекислиги, шунингдек, кадрлар тайёрлаш даражасидаги фарқ каби омиллар юз берган иқтисодий қайта қуриш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳисобга олинди.

Минтақада экологик инқироз оқибатида асосий экинлар ҳосилдорлиги пасайиб борганлиги кузатилади. Жумладан, Хоразм вилоятида 1990 йилдан 1999 йилгача пахта ҳосили 37,4 центнердан 29,8 центнерга, шоли 53,5 центнердан 31,4 центнерга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 123 центнердан 108,4 центнерга тушди. Қорақалпоғистонда эса, бу даврда пахта ҳосили 1,4 марта (17,6 центнер) ва шоли 1,8 марта (15,4 центнер) камайди². Айниқса, сув сув тақчиллиги ҳудуд иқтисодиётига катта зиён етказди. Шу сабабдан, Қорақалпоғистон пахтачилигида вақтинчалик ўсиш кузатилмади. Мисол учун, 1996 йилда 115 хўжалиқдан атиги 20 таси режани бажарган бўлса, 1997 йилда 122 та хўжалиқдан 70 таси топшириқни уддалади. Ўша йили Хўжайли туманидаги “Наврўз” ва Тўрткўл туманидаги “Пахтаобод” жамоа хўжаликлари гектар ҳисобига бор-йўғи 2 центнердан ҳосил етиштирдилар³. Бундан ташқари, сув ва шамол эрозияси вилоят қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Шундай бўлса-да, 1996 йилга келиб кўрсаткичлар бироз ўсиб, доннинг – 7,4 фоизи, пахтанинг 9,1 фоизи ва картошка ҳосилининг 5,5 фоизи воҳа деҳқонларининг меҳнати эвазига етиштирилди⁴. Ҳудудда деҳқончилик учун ноқулай йиллар ҳар 3-4 йилда бир марта такрорланиб туради. Таъкидлаш жоизки деҳқончилик учун қулай келадиган йилнинг ўзи кам бўлади. Айниқса, ноқулай экологик вазият Хоразм вилоятида экинларга катта зарар етказди. Бироқ, табиат қийинчиликларини тушунадиган деҳқонлар учун булар сабаб бўла олмайди. Зеро, Президент Ислоҳ Каримов: “...хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик”, - дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас⁵.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган шоличиликда Қуйи Амударё ҳудуди етакчи ўрин тутди⁶. Аммо, юз берган сув танқислиги шоличиликка ҳам жиддий зарар етказди. Жумладан, 1997

¹ Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.448.

² Умаров Е. Экологические факторы территориальной организации производительных сил в экспериментальных условиях // Вестник ККО АН РУз., 2001. -№ 5. – С.52.

³ Оролбўйида пахта ҳосили кўпаядими? // Халқ сўзи, 2000, 1 июнь.

⁴ Қодиров А., Искандарова М., Нурмухамедова М. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижара ва ижара муносабатлари асосида хўжалик юритишининг самарадорлигини ошириш йўллари. – Тошкент, 1999. – Б.64.

⁵ Каримов И.А. Хоразм муқаддас замин. – Урганч, 1998. – Б.12.

⁶ Ғуломов С. Мустақил Ўзбекистон. – Тошкент: Меҳнат, 2001. – Б.50.

йилда Қорақалпоғистон Республикасида шоли ҳосилдорлиги 22,8 центнерни ташкил қилди. Давлатга 65 минг тонна шоли топширилиб, режа 36,0 фоизгагина бажарилди. Ана шундай шароитда сувдан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш асосида биргина Нукус тумани ва унинг 2 та хўжалиги шартнома мажбуриятларини тўла бажара олдилар¹. 1998 йилда республикадаги шоличиликдан олинган ҳосилдорлик атиги 17,0 центнерни ташкил қилди². Ана шу оғир вазиятдан чиқиш учун, 1999 йил бошига келиб, Қорақалпоғистонда ташкил этилган 1313 деҳқон фермер хўжаликларидан 795 таси деҳқончилик, 518 таси чорвачиликка йўналтирилди³.

Хоразм вилоятида ҳам муттасил иқтисодий зарар кўриб ишлаган 13 хўжалик тугатилиб, улар негизида 834 та фермер хўжалиги барпо этилди. Санацияга тушган 10 хўжалик эса 2 йилда қаддини тиклаб, иқтисодий бақувват хўжаликлар қаторидан ўрин олди. Гурлан туманидаги “Қорақалпоғистон”, Хонқа туманидаги “Охунбобоев” ва Хива туманидаги “Беруний” номли ширкат хўжаликлари шулар жумласидан эди⁴.

Совет ҳукмронлиги даврида энг кичик маҳсулот ҳатто мих, гайка, яъни, ҳар бир заводда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотлар ҳам албатта, ҳар жойдан келтирилиши белгилаб қўйилган⁵. Кўпгина маҳсулотлар ва асбоб-ускуналарни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш имконияти бўлса-да, марказ томонидан маблағ йўқлиги рўқач қилиниб, унга рухсат берилмаган⁶. Ана шундай вазиятда мустақилликка эришган Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда саноат тармоқларини ривожлантириш муҳим омил эканлиги назарда тутилиб, ислоҳотларнинг биринчи босқичида стратегик аҳамияти юқори бўлган газ, нефть, олтин ва бошқа бойликларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, машинасозликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Республика ҳукуматининг эътибори билан Қуйи Амударё ҳудудида саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, саноатга чет эл инвестицияларини киритиш орқали кўшма корхоналар, ўрта ва кичик бизнесни шакллантириш борасида самарали силжишлар кўзга ташланди.

Аммо, дастлабки йилларда илгари шаклланган хўжалик тизимидаги иқтисодий алоқалар орасидаги узилишлар олдин маҳсулотни қайта ишловчи саноат тармоқларига ўз таъсирини ўтказган бўлса, аста-секинлик билан иқтисодиёт тармоқларининг бошқа секторларида ҳам намоён бўлди. Оқибатда, 1992 йил бошида Хоразм вилояти иқтисодиётида муайян инқирозли ҳолатлар рўй бериб, вилоят саноат корхоналарининг 48,0 фоизида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига олиб келди⁷. Бироқ, кейинги йилларда

¹ Вести Каракалпакстана. 1998. 3 февралы.

² Вести Каракалпакстана. 1998. 1 декабры.

³ Джумагалдиев Г., Даниярова С. Дийхан – фермер хожалықларынын раўажлануу бағдарлары // Вестник ККО АНРУз, 1999. – № 6. – С.88.

⁴ Асрга татиғулик муаззам йиллар // Хоразм ҳақиқати. 2002, 1 сентябрь.

⁵ ЎзР МДА. Р-682-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 40-варақ.

⁶ ЎзР МДА. Р-682-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 82, 84-варақлар.

⁷ Рузметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Ташкент: Фан, 2002. – С. 14.

республика ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан ижобий силжишлар бўлиб, саноат маҳсулотларининг ўсиши 2000 йилда 103,5 фоиз, 2001 йилда 100,3 фоизга тенг бўлди¹.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 1992-1995 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларининг олдинги йилга нисбатан пасайиши кузатилди². Соҳада кейинги йилларга келиб ижобий силжишлар юзага келди. Хусусан, бу ердаги саноат маҳсулотининг ўсиши 1996 йилдаги 96,0 фоиздан, 2000 йилда 112,2 фоизга кўтарилди³.

Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналари сони 1991 йилда – 772 тани ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб, 1780 тага, яъни 2,3 марта кўпайганлигини кўриш мумкин⁴. Республикада аниқ мақсадга йўналтирилган йўналтирилган инвестиция дастурлари натижасида биргина Қўнғирот сода заводининг лойиҳа қиймати 600 млн АҚШ долларини ташкил этди⁵.

Мустақиллик йилларида Қуйи Амударё ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, юқори самарали саноат ва ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди.

Диссертациянинг **“Қуйи Амударё ҳудудида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш масалалари”** деб номланган иккинчи бобида аҳолини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ, ижтимоий соҳада маҳсулот айланмаси кўрсаткичлари ортиб, 1995 йилда олдинги йилга нисбатан Қорақалпоғистонда 80,0 фоиз, Хоразм вилоятида 80,4 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар 1998 йилда тегишли равишда 92,1 фоиз ва 122,7 фоиз, 1999 йилда 115,9 фоиз ва 115,5 фоизга тенг бўлган⁶.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Қорақалпоғистон Республикасида кўплаб соғлиқни сақлаш объектлари, касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхона ва турар-жой бинолари қурилди. 1992 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларига бепул дори-дармон воситалари етказиб бериш режадагидан 2,9 марта кўп бўлди⁷.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинганда, Хоразм вилоятида 1995 йили ижтимоий муҳтож оилалар

¹ Хоразм вилояти статистика бошқармаси жорий архиви. Хоразм вилоятининг 1991-2001 йилларга оид статистик маълумотлари.

² Қорақалпоғистон XIX асрнинг 2-ярмидан XXI асргача (қорақалпоқ тилида). – Нукус: Қарақалпоқстан, 2003. –Б. 441.

³ Статический ежегодник Республики Узбекистан, 2004. -Ташкент, 2005, – С. 229.

⁴ Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси жорий архиви (ҚРСБЖА): Қорақалпоғистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича 1991, 2001 йилги маълумотлар.

⁵ Каримов И.А. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан! // Озод ва эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.103-104.

⁶ Хоразм вилояти ҳокимияти жорий архиви. Статистик маълумотлар, 1999. – Б.25.

⁷ ЎЗР МДА, М-25-фонд, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 60-варақ.

сони 61776 тани, болалари 2 ёшга тўлгунча нафақа оладиган оилалар сони 16178 тани ташкил қилганлигини кўриш мумкин¹. Вилоятда 2000 йилда 9221 фуқарога давлат пенсияси, 2415 фуқарога ижтимоий нафақа тайинланган².

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди, бироқ, экологик носоғлом муҳит, ичимлик суви сифатининг ёмонлиги билан боғлиқ ҳолда турмуш даражасининг пастлиги турли касалликларни кескин камайтиришга имкон бермас эди³. Шу муносабат билан саломатликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришда касаба уюшмаларининг ҳам роли ортиб борди. 2000 йилда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмаларига қарашли 2 та санаторий ва 8 та санаторий-профилакторий фаолият олиб борган. Бу дарда болалар учун “Ашшы кол” (Аччиқ кўл), “Жулдызша” (Юлдузча), “Арал балалары” (Орол болалари) каби санаториялар ҳам фаолият кўрсатмоқда эди⁴.

Замонавий талабларга жавоб бермай қолган Урганч шаҳар вилоят болалар касалхонасида қисқа вақтда 400 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан касалхонани замонавий жиҳозлаш учун 200 млн. сўм маблағ ажратилди. 2001 йили мазкур касалхонага “Хоразм автотеххизмат” ҳиссадорлик жамияти ва “Султон-Марам” хусусий фирмаси томонидан янги 2 та “Дамас” автомобили совға қилинди⁵.

1991 йил бошида Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган “Бандлик” дастури маълумотларига кўра, меҳнат ресурслари 559 минг кишини ташкил қилгани ҳолда ишга яроқли аҳоли орасидан 40 минг нафари ижтимоий ишлаб чиқаришда банд эмас эди⁶. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг аҳолининг 7,0 фоизи ишсиз эканлигидан далолат берарди⁷. Орол денгизининг денгизининг қуриб бориши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти иқтисодий тармоқларига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат аҳолининг кўпчилик қисми-ни ташкил қилган қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволини янада оғирлаш-тирди. Оролбўйи ҳудудида ўтлоқларнинг камайиб бориши ва тупроқ ҳосил-дорлиги пасайиши сабабли 100 мингдан ортиқ иш ўринлари йўқотилди.

¹ ЎЗР МДА, М-15-фонд, 1-рўйхат, 492-йиғма жилд, 28-варақ.

² Хоразм вилояти ҳокимияти жорий архиви. Ижтимоий муҳофаза бўлими, 2001 йил якунлари бўйича ҳисобот. – Урганч, 2002. – Б.5.

³ Здравосохранение: состояние и перспективы развития // Вести Каракалпакстана. 1996. 15 июня.

⁴ Қорақалпоғистон. 2000. №3-4. – Б.12-13.

⁵ Шарипов М. Оналар ва болаларга катта совға // Хоразм ҳақиқати, 2001, 21 ноябрь.

⁶ Сообщения Госкомстата Республики Каракалпакстан: Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан в 1990 г. // Советская Каракалпакция, 1991, 26 февраля.

⁷ Трудовые ресурсы Республики Каракалпакстан: пути решения проблемы // Советская Каракалпакция, 1991, 26 февраля.

Мустақиллик туфайли Қуйи Амударё ҳудудида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга бўлган эътибор кучайди. Шаҳар ва туманлар меҳнат бўлимларининг бандлик соҳасидаги жараёнларни чуқур таҳлил қилишлари иш берувчилар, корхона ва ташкилотлар билан алоқалари яхшиланишига, меҳнат муносабатларининг шаклланишига таъсири кучайди. 2001 йилга келиб, ҳудудда банд бўлган аҳоли 1995 йилдаги 876,2 минг нафардан 962,9 минг нафарга етди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг қарийб 5,9 фоизини эгаллаган Қорақалпоғистон Республикасига мамлакат меҳнат биржаларида рўйхатга олинган барча ишсизларнинг 17 фоизи тўғри келган. Ишсизлар меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ёшлар, болали аёллар, аҳолининг бошқа ижтимоий қатламларини ташкил этар эди¹. 2001 йилга келиб, бу ерда янги иш ўринлари яратиш режаси 21391 та ўрнига, 22492 тага етказилиб, режа 105,1 фоизга бажарилди². Белгиланган чора-тадбирлар доирасида қишлоқ жойларида, саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини оширишга катта эътибор қаратилди.

2001 йили Хоразм вилоятида меҳнат ресурслари 677,4 кишини яъни, умумий аҳолининг 49,4 фоизини ташкил қилган. Шу йили Хоразм вилоятида 26341 та янги иш ўринлари очилди, шу жумладан, ўрта ва кичик тадбиркорлик соҳасида – 24615 та, кичик ва ўрта корхоналарда – 7590 та³.

2001 йилда Урганч шаҳрида 3, Хонқа туманида 2, Боғотда 4, Гурланда 2, Хазораспда 3 ва Шовот қаби туманларда 4 марта, Урганчда 2, Янгиариқда 1, Янгибозорда 2, Хива туманида 2 мартадан ва Қўшқўпир туманида 1 мартадан жами 26 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилган. Уларда 670 та иш берувчи корхона ва ташкилотлардан 5517 бўш иш ўринлари таклиф этилган. Унда 6265 нафар иш изловчилар қатнашган. Шулардан 1847 нафари ишга жойлаштирилган, 3765 нафарига эса, меҳнат қонунчилиги ва ҳуқуқига доир маслаҳатлар берилган⁴.

Республика ҳукумати томонидан Қуйи Амударё ҳудуди аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, унинг саломатлигини мустаҳкамлаш устувор мақсад қилиб қўйилгани, мазкур регион ривожидида катта аҳамият касб этади. Амалга оширилган ислохотлар, жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилган чора-тадбирлар аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишига ижобий таъсир кўрсатди. Меҳнат бозорини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонликни ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначиликни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Ҳудудда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича

¹ Аимбетов Н. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). Иқтисод фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.18-19.

² ТА Госкомстат РУз: Создание новых рабочих мест в Республике Каракалпакстан в 2001-2007 гг.

³ Хорезм: инвестиционные возможности. – Ташкент, 2002. – С.6.

⁴ Хоразм вилояти Статистика бошқармасининг ижтимоий муҳофаза бўлими. 2001 йил якуни бўйича ҳисобот. – Урганч, 2002. – Б.3.

мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган, моддий-молиявий ёрдам кўрсатиш юзасидан давлат томонидан кафолат ва имтиёزلарни таъминловчи механизм шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Мустақиллик йилларида Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-экологик муҳит”** деб номланган учинчи бобида Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш чора-тадбирлари ёритилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, экологик вазиятнинг оғирлиги мазкур жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Тобора жаҳон экологик муаммосига айланиб бораётган Орол денгизининг куриб бориши минтақада оғир аҳволни юзага келтирди. Бу хавфнинг таъсири нафақат, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда¹. Таҳликали вазиятни таҳлил қилиб, Президент Ислоҳ Каримов “Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак”², - дея ҳақли тарзда воқеликни баҳолади. Шу билан бирга, “... бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас”³, - деб ҳам уқтириб ўтган эди.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Президент И.А.Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида яна бир бор ушбу масалага тўхталиб, “Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли куриб ва йўқолиб бораётган сув хавзасига айланди”⁴, -деб таъкидлади. Кейинги ўтган қирқ йил ичида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ортди. Натижада, қарийб барча ҳайвонот ва набобот олами таназзулга учради⁵.

1996-1999 йилларда Ўзбекистон бўйича жами 1582 гектар майдон йўқотилган бўлса, шундан 292 гектари Қорақалпоғистон Республикасига ва 12 гектари Хоразм вилоятига тўғри келади⁶.

¹ Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

² Лукмонов В. Ўзбекистон Президенти овоз берди // Халқ сўзи, 2009, 29 декабрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 22 сентябрь.

⁵ Ўша ерда.

⁶ Охрана окружающей среды в Узбекистане. Стат. сборник. – Ташкент, 2002. – С.47.

Ўзбекистонда сув имкониятлари барча вилоятларда ўзига хосдир. Бу борада Қуйи Амударё худудини ҳеч бир вилоят билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, биргина Хоразм вилоятида йилига 15 млн. тонна шўрлар ювиб ташланади¹. Мазкур кўрсаткичдан шўр ювиш учун қанча миқдорда сув сарфланаётгани маълум бўлади. Кейинги йилларда вилоятда экологик инқироз туфайли қамишзорлар 120 минг гектардан 15-20 минг гектаргача, тўқайлар 300 минг гектардан 125 гектаргача, туташ худудлардаги табиий яйловлар 348 минг гектардан 125 минг гектаргача қисқариб кетди². Бунинг устига сувнинг танқислиги оқибатида суғорма деҳқончилик қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Айрим йиллари сув танқислиги, об-хаво шароити деҳқончилик учун ноқулай келганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайган. Шунга қарамасдан, Хоразм вилояти мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,7 фоизини ишлаб чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси сув ҳавзаларидаги балиқчилик хўжалиги фонди 1999 йилда 100 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2001 йилда 30 минг гектарга тенг бўлди. Оқпеткин, Қоражар, Жалтирбас, Машанкўл-Хўжақўл тизими, Макпал, Мўйноқ бўғози каби сув ҳавзалари эса шу даврда куриб қолди³.

Худудда агросаноат мажмуасининг барқарор ривожланишига оғир экологик вазият кучли салбий таъсир этди. Бу борада кўпгина чоратадбирлар қўлланилиб келинаётган бўлса-да, ҳосилдорлик паст даражада қолди. Масалан, 1990-1999 йилларда Хоразм вилоятида пахта ҳосили гектарига 37,4 центнердан 29,8 центнерга, шоли 53,5 центнердан 31,4 центнерга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 123,0 центнердан 108,4 центнерга тушган бўлса, Қорақалпоғистонда пахта ҳосилдорлиги 1999 йилга келиб 1,4 марта ва шоли 1,8 марта камайиб кетди⁴. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида жойлашган Тўқтагул, Нурек, Туямўйин, Чордора сув омборлари ишлаш тартибида мутаносиблик йўқлиги натижасида Қуйи Амударёда сув танқислиги юз берди. Оқибатда шоли майдонлари 2 бараварга қисқариб кетди. Биргина 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикаси шолчиликдан 7-8 млрд. сўм зарар кўрган⁵.

Оролбўйида экологик таназулнинг аҳоли саломатлигига таъсири натижасида турли касалликлар, жумладан, аёллар ўртасида тарқалган камқонлик, саратон касали, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларининг пайдо бўлиши кузатилади. 1991-2001 йилларда худудда бир қанча касалхона,

¹ Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 289.

² Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза. – Тошкент: Chinor ENK, 2008. –Б.65.

³ Популярная экологическая энциклопедия Республики Узбекистан. Том 1. – Ташкент, 2008. – С.87.

⁴ Умаров Е.К. Экологические факторы территориальной организации производительных сил в экспериментальных условиях // Вестник ККО АНРУз, 2001. – №5. – С.52.

⁵ Қурбонбоев Е., Қурбонбоев С. Водные ресурсы Южного Приаралья и их использование // Вестник ККО АН РУз, 2001. -№ 3. – С.8.

поликлиника ва туғруқхоналар қурилди. Аҳоли бу даврда кўп миқдорда гуманитар ёрдам, яъни керакли тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон олди. Халқаро саломатликни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан қабул қилинган дастурга биноан сил касаллигига қарши амалий тадбирлар учун Қорақалпоғистонга 29 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар келтирилди¹. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Америка Қўшма Штатлари Қизил Хоч жамияти ўртасида Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик шароитда яшаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича қўшма дастур имзоланиб, 2000 йилнинг март ойида ана шу дастур асосида АҚШдан келтирилган 2000 тонналик юк Урганчга етказиб берилди². 2001 йилдан Нукус шаҳрида амалга оширилган “Тишларни эмлаш ва протезлаш” бўйича лойиҳага 350,0 минг АҚШ доллари ажратилди³. Оролбўйидаги оғир экологик вазият муносабати билан ривожланган хорижий давлатлардан АҚШ - 27 млн., Германия - 9 млн. АҚШ доллари, Швейцария ҳукумати 9 млн. Швейцария франки миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди⁴. Япония ва Қувайт давлатлари билан катта миқдорда имтиёзли кредитлар олиш бўйича шартномалар имзоланди. Шунингдек, Канаданинг “UVA”, Италиянинг “Ахватор”, Қувайтнинг КСЛ, Туркиянинг “Темилсу”, АҚШнинг TVA, Англиянинг “Мак-Дональд”, “Бинни Партнер”, “Гибб”, Германиянинг “Агроундвассер”, Голландиянинг “Евроконсалт” муассаса ва уюшмалари кўпгина дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Шундай нуфузли ташкилотлар эътиборини Оролбўйига қаратиб, катта ишларни амалга оширган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташаббуси билан 1995-2000 йилларга мўлжалланган бир қатор тадбирлар учун Жаҳон банки 380 млн. доллар маблағ ажратди⁵.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) Нукус филиали томонидан соғлиқни сақлаш ишлари бўйича Нукус шаҳрида 1999 йили 2307,0 минг АҚШ долларига тенг бўлган “Сийдик йўлларида тош пайдо бўлиши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олиш ва даволаш” лойиҳаси, 2000-2001 йилларда 3004,0 минг АҚШ доллари турадиган плазма эритмаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада, 326,5 минг литр глюкоза, плазма ва бошқа эритмалар ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу лойиҳалар бўйича кўплаб тиббий-ускуналар сотиб олинди⁶.

Оролбўйи ҳудуди атроф-муҳитини соғломлаштириш ва уни муҳофаза қилиш борасида Хоразм вилоятида мутахассис-олимлар томонидан махсус ЮНЕСКО лойиҳаси устида иш олиб борилди. 2001 йилдан бошлаб Урганч давлат университетида Германиянинг Бонн университети билан ҳамкорликда

¹ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1. – С. 3.

² Оролбўйи аҳолиси // Халқ сўзи. 2000. 23 март.

³ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1. – С. 5.

⁴ Орол дарди - олам дарди // Хоразм ҳақиқати, 1997, 25 февраль.

⁵ Оролни қутқариш халқаро жамғармаси жорий архиви. Папка WORLD BANK. – Б.18.

⁶ Давлетов С. XX аср охирида Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият ва уни соғломлаштиришнинг ижтимоий муаммолари. – Хива: Хоразм Маъмур Академияси нашриёти, 2007. – Б.45.

“Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий ва экологик қайта тузиш” мавзуида халқаро илмий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилди¹. Ушбу лойиҳа вилоятда экологик аҳвол ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, демографик жараёнларни ўрганишга бағишланган.

Экологик хавф доимий тус олиб, тобора салбий таъсир кўрсатаётган ҳозирги кунда “... Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалга деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо, бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечирishi учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт”², - дея таъкидлаган эди Президент Ислон Каримов. Ана шу мақсадда, 2011 йил 13 май куни Тошкентда “VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 32 мамлакатдан 400 дан зиёд экспертлар, олимлар, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этиб, Марказий Осиёдаги сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш, аҳолини сув билан таъминлаш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилдилар³. Сўнгги йилларда минтақадаги экологик фожианинг глобал муаммога айланганлиги халқаро ташкилотлар орқали бутун дунёга маълум қилинди. Худудий ва халқаро анжуманлар ўтказилиб, дунё ҳамжамияти инвестициялари жалб қилина бошлади. Чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб, биргаликдаги дастурларнинг ишлаб чиқилиши экологик вазиятнинг Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги муаммога айланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг диққати Орол ва Оролбўйи муаммолари ечимига қаратилганлиги катта аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Қуйи Амударё худудидаги экологик аҳволни соғломлаштиришга доир қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, Оролбўйи худудида ҳаво тозалигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги кўплаб муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал этишга катта эътибор берилмоқда.

III. ХУЛОСА

Диссертация якунида тадқиқотга тегишли назарий умумлашмалар

¹ Эшчанов Р., Давлетов С. Глобал иқлим ўзгариши ва Ўзбекистон шароитида унинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш йўллари. Урганч, 2010. – Б.24.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

³ Бугунги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида // Халқ сўзи, 2011, 14 май.

тахлилидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий **хулосаларга** келинди:

1. Мустақиллик арафасида Ўзбекистон иқтисодиёти сезиларли даражада ривожланганлигига қарамай, хом ашё етказиб берувчи минтақа сифатида қолганлиги туфайли ундаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ночор аҳволга тушиб қолган эди. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг меҳнатсеварлиги, бунёдкорлиги, мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танлаб олганлиги боис, Қуйи Амударё худудида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди ва мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтирилди.

2. Ислохотлар қишлоқ хўжалигида ҳам жадаллик билан олиб борилди ва аграр соҳада фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши, уларга ишлаб чиқаришдан бошлаб маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотиш, эркин иқтисодий ва молиявий фаолият олиб бориш ҳуқуқлари берилди. Қишлоқ хўжалигининг аксарият соҳасида хусусий мулкдорлар эгалик қилиб, хусусий фермер хўжалиklари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

3. Мустақиллик йилларида ишлаб чиқилиб, амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва саноат корхоналари фаолияти тўғри йўлга қўйилиши, ишлаб чиқариш соҳасининг ислох қилиниши туфайли Қуйи Амударё худуди ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан сезиларли тарзда ривожланди. Саноатда қўшма корхоналар сони кўпайиб, кўпгина тармоқларда хусусий сектор етакчилик қила бошлади. Корхоналарда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва жаҳон андозаларига жавоб берувчи ускуналар ўрнатилганлиги боис, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ошди.

4. Қуйи Амударё худудида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ислохотларни изчил олиб боришга, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга эътибор қаратилди. Янги иш жойлари яратилиб, кучли ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилиши натижасида аҳолининг даромадлари даражаси ҳаддан ташқари табақаланишни ушлаб туришга, қашшоқликнинг олдини олишга ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтаришга муваффақ бўлинди.

5. Давлат дастурлари доирасида минтақада меҳнат бозорини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонликни ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначиликни ривожлантиришга эришилди.

6. Қуйи Амударё худудида саноат корхоналарини ташкил этиш, қайта таъмирлаш, чет эл қўшма корхоналарини барпо этиш, чет эл инвестицияларини киритиш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватини оширишга, мутахассислар билим савиясини юксалтиришга, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида олиб борилаётган одилона ривожланиш сиёсати бевосита Қуйи Амударё аҳолисининг турмуш

шароитини яхшилаш, уларнинг келажакка бўлган ишончи ортишига олиб келди. Зеро, республика ҳукуматининг ҳудуддаги экологик мувозанатни тиклаш йўлида халқаро ҳамжамият билан олиб бораётган ҳамкорликдаги чора-тадбирлари, юритилган экологик сиёсат, табиий мувозанатни тиклаш, ижтимоий инфратузилма ҳамда аҳолининг маиший турмуш даражаси борасидаги ишлари катта эътиборга лойиқдир.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари бири бўлиб, Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондиди сақлаб қолиш, ер, сув, атмосфера ҳавоси инфлосланишининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасида олиб борилди. Қуйи Амударё ҳудудида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислох қилиниб, бу соҳада катта амалий ишлар бажарилди.

Диссертация иши натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги **таклиф** ва **тавсия**ларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар вакиллари ҳамкорлигида тадқиқотлар ўтказиб, Орол фожиаси сабаблари ва аҳоли саломатлигига таъсирини тизимли асосда ўрганиш ва тарихий баҳолаш;

- шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиганлар сонини кўпайтириш, бунинг учун мақсадли, имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария ва зоотехника хизматини ташкил этиш, озуқа билан таъминлаш тартибини белгилаш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида ҳудудда туризмни ривожлантириш имкониятларидан унумли фойдаланиш;

- қўшни ва узоқ хорижий мамлакатлар билан иш кучи миграциясини қонуний, икки ва кўп томонлама шартномалар асосида тартибга келтиришни давом эттириш;

- ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш;

- аҳоли ва айниқса, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва Орол муаммосининг келиб чиқиш сабабларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган фотоальбом ҳамда Орол денгизи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганувчи харита яратиш.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Шихов О., Давлетов С. Шўролар даврининг сўнгги йилларида Қуйи Амударё худуди: экологик муҳитнинг демографик жараёнларга таъсири // *Ilm sarchashmalari*. – Урганч, 2003. – № 1. – Б.30-32.

2. Шихов О., Ваисов О. Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган республика ёш олимлар конференцияси материаллари. – Тошкент, 2003. – Б.172-174.

3. Шихов О., Давлетов С., Тожиева У. Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-экологик муаммоларни ечишда Халқаро “ЭКОСАН” жамғармасининг ўрни // Хоразм воҳаси ва унинг ҳолати. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Хива, 2004. – Б.81-83.

4. Шихов О. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашнинг долзарб масалалари (Хоразм вилояти мисолида) // *Ilm sarchashmalari*. – Урганч, 2009. – № 5. – Б.14-17.

5. Шихов О. Қуйи Амударё худуди қишлоқ хўжалигидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари // Қуйи Амударё региони ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг географик ечимлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Урганч, 2010. – Б.128-130.

6. Шихов О. Ўзбекистонда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар // *Ilm sarchashmalari*. – Урганч, 2010. – № 1. – Б. 23-25.

7. Шихов О. Мустақиллик йилларида Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тарихшунослигининг тарих фани тараққиётидаги ўрни // Хоразм воҳасида ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётининг минтақавий хусусиятлари. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Урганч: УрДУ, 2010. – Б. 14-16.

8. Шихов О. Қуйи Амударё худудида ўтиш давридаги ижтимоий муаммоларнинг баъзи жиҳатлари // *Ilm sarchashmalari*. – Урганч, 2010. – №6. – Б. 35-38.

9. Шихов О. Қуйи Амударё худуди саноат ишлаб чиқаришида тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг ўрни // ЎзР ФА ёш олимлар кенгаши Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б.85-86.

10. Шихов О. Қуйи Амударё худуди халқ хўжалигидаги ислохотларнинг минтақавий хусусиятлари // *Ilm sarchashmalari*. – Урганч, 2011. – № 1. – Б. 21-23.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Шихов Отабек Оманбоевичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Мустақиллик шароитида Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол (1991-2001 йиллар)” мавзудидаги диссертациясининг РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: бозор иқтисодиёти, ислохот, саноат, фермер хўжалиги, тадбиркорлик, кичик бизнес, аҳоли, инфратузилма, ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, экология.

Тадқиқот объекти: мустақиллик шароитида Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол масаласини илмий таҳлил этиш.

Ишнинг мақсади: 1991-2001 йилларда Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни тадқиқ этишдан иборат. Илмий-тадқиқотнинг даврий доирасидан келиб чиқиб, мазкур муаммонинг кўп қирралиги ва яхлит тарзда ишланмаганлигини эътиборга олиб, миллий ғоя асосида янгича илмий-тарихий тафаккур нуқтаи назаридан мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шимолий қисмида жойлашган Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни тадқиқ этиш ва умумлаштириш.

Тадқиқот усуллари: тарихийлик, объективлик-холислик, ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланишидаги ўзаро алоқадорлик, узвийлик, тизимлилик усулларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мустақиллик шароитида Қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол замон талаблари асосида илк бор алоҳида тадқиқот сифатида таҳлил этилди. Ҳудуднинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ўзига хослиги, фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар қиёсий ўрганилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий ислохотларга ҳолисона баҳо берилди. Ҳудуддаги экологик фожианинг ижтимоий ҳаётга таъсири, экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари ўрганилиб, хулоса ва тавсиялар берилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон тарихи саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш ҳамда таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолаларда ҳамда илмий анжуманлардаги чиқишларида ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижалари ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчи ва тадқиқотчилари, шунингдек Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт, ижтимоий экология масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар учун назарий қўлланма ва ахборот манбаи бўлиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Шихова Отабека Оманбаевича на тему «Социально-экономическое положение Нижне Амударьинского региона в условиях независимости (1991-2001 гг.)» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 - История Узбекистана

Ключевые слова: рыночная экономика, реформа, промышленность, фермерское хозяйство, предпринимательство, малый бизнес, население, инфраструктура, социальная защита, занятость населения, здравоохранение, экология.

Объект исследования: научный анализ социально-экономического положения Нижне Амударьинского региона в условиях независимости.

Цель работы: изучение социально-экономического положения Низовья Амударьи в 1991-2001 годах. Изучить и обобщить на основе национальной идеи и с точки зрения нового исторического мышления социально-экономическое положение в Нижне Амударьинском регионе, расположенного на севере Узбекистана в годы независимости, учитывая малоизученность и многогранность данной проблемы, а также исходя из временных рамок научного исследования.

Методы исследования: в ходе исследования использованы методы историзма, объективного освещения и хронологической последовательности.

Полученные результаты и их новизна: впервые, на основе современных требований, как отдельное исследование проанализирована социально-экономическая ситуация Нижней Амударьи в условиях независимости, всесторонне изучены изменения в экономической жизни региона, своеобразность развития сельского хозяйства, развитие фермерства и предпринимательства, структурные изменения в промышленном производстве. Дана объективная оценка социальным реформам в период перехода к рыночной экономике, которые были направлены на социальную поддержку населения и обеспечение занятости. Изучены вопросы последствий экологической катастрофы на социальную жизнь и оздоровления экологической ситуации, по которым даны заключения и рекомендации.

Практическая значимость: результаты исследования и обобщения служат обогащению страниц истории Узбекистана новыми материалами, которые могут быть использованы при написании учебников и учебных пособий, а также использованы в качестве дополнительных источников в процессе преподавания общественных дисциплин в учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты и идеи исследования получили своё отражение в научных статьях, опубликованных диссертантом, а также в его выступлениях на научных конференциях.

Область применения: результаты исследования могут служить теоретическим пособием и информационным источником для исследователей и преподавателей общественных наук, а также для специалистов занимающихся вопросами истории Узбекистана, экономики и социальной экологии.

RESUME

Thesis of Shikhov Otabek Omanboyevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in history on speciality 07.00.01-History of Uzbekistan on the subject «Socio-economical condition in Low Amudaryya region during Independence (1991-2001 years)»

Key words: the market relation, reform, industry, farm, business, small business, population, civilization, infrastructure, social protection, employment of the population, public health services, ecology.

Subjects of research: scientific analyze of Socio-economical condition of Low Amudaryya during Independence (1991-2001 years) was chosen an object of research.

Purpose of work: is to investigate the social economic condition in lower Amudaryya regions in the period of 1991 till 2001 years.

It is aimed to investigate and summarize the social economic condition in the lower Amudaryya regions situated in the northern part of Uzbekistan by Concluding the periodical sphere of the scientific research, taking into consideration the multiplicity and the lack of complex analyses, from the point of view of basic national ideology with the new scientific historical sense, during the years of independence.

Methods of research: historical method, objective-honest method, the development of social historical state method, mutual relations in development method, the method of durability and systematic methods are used.

The results achieved and their novelty: for the first time in the history of scientific investigations, the social-economic condition in lower Amudaryya regions in the period of independence is analyzed as a special investigation object.

Economic changes in this regional life, the peculiarities of the development of agriculture, developing farming and business, the structural transformations in industrial producing are studied comparatively. The social reforms on supporting and employing the inhabitants in the process of transference to the market economy are judged honestly. The problems of the influence of the regional ecological tragedy to the life and improving ecological condition are observed, concluded and recommended.

Practical value: the investigation results and scientific conclusion can be used as a supplementary source in enriching the pages of history of Uzbekistan with the new information, issuing textbooks and academic manuals and teaching social humanities in educational establishments.

Degree of embed and economic effectivity: The main results and ideas of the research are assigned in scientific articles and presentations in scientific conferences by the investigator.

Field of application: Results of the research may be a theoretical manual and source of information for the teachers of social humanities, specialists dealing with the history of Uzbekistan, economy and socio-ecological problems.

Бичими 60×84/16. Ҳажми 1,0 б.т. Адади 100 нусха.

ЎзР ФА Ишлар бошқармаси қошидаги кичик босмахонасида чоп этилди.
100047, Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўч., 70.

